# ЗДОНМАҲСУЛОТ

## ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ











*Мамлакатни янада юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган барча азизларни, ҳамкасбларимизни, ғаллакор деҳқонларни, донни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш корхоналари ишчи-хизматчиларини*

**2003 йил билан самимий муборакбод этамиз!**


Танбурда бир зарбнинг уни тинмасдан
Йиллардан йилларга кўчар умримиз.
Ғафур Ғулом
Азиз юртдошлар!
Кириб келган
Янги 2003 йил
барчангизга муборак бўлсин!
Ер ресурслари Давлат қўмитаси


"Сағбон нон" очиқ акциядорлик
жамияти жамоаси барча
юртдошларимизни
Янги - 2003 йил
билан самимий қутлайди.
ДОИМО НОНДЕК АЗИЗ БЎЛИНГ!

**"ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ" КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз халқини Янги йил билан самимий муборакбод этади!

2003 йил меҳнаткаш халқимизга омад келтиришини тилаймиз.

Бағри кенг, мард ва танти халқимизнинг хонадонидан тўй, дастурхонидан файз аримасин!

Республика акциядорлик- тижорат

**"Тадбиркорбанк"**

**Кенгаши**

*ҳамда Бошқаруви ўзининг барча акциядорлари, ҳамкорлари, тадбиркорлари ва мамлакатимиз халқини*

**ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИДА ВАТАНИМИЗ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПСИН, ОСМОНИ МУСАФФО БЎЛСИН!

**"Наманганэкстракцияёғ" очиқ ҳиссадорлик жамияти ва "Учқўрғонёғ" ҳиссадорлик жамияти**

*жамоалари Мустақиллик нашидасини сураётган мамлакатимиз аҳолисини, бободеҳқонларни, фермеру чорвадорларни, пешона тер тўкиб, она заминдан ризқ-рўз ундираётган ғаллакору боғбонларни*

**2003 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.**

**Пахтакорларимиз етиштирган хом ашёни қайта ишлаб, жаҳон андозалари даражаларидаги сифатли маҳсулотлар тайёрлаётган, республикамиз иқтисодий салоҳиятига муносиб улуш қўшаётган "Ўзёғмойтамакисаноат" уюшмаси тизими тармоқларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизнинг ҳам топганлари тўйларга буюришини ният қиламиз!**




ЯНГИ ЙИЛ ҲАММАНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА КЕЛТИРСИН!



# ДЕҲҚОН РИЗҚИ МУҚАДДАС

**_Ёдингизда бўлса, республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг 2000-2001 йилларда "Ёғмойтамакисаноат" республика уюшмаси тизимидаги корхоналар фаолиятини текширувлари натижалари танқидий руҳда жиддий таҳлил этилганди._**

Тизимдаги айрим нопок кимсаларнинг халқ ризқига хиёнати, хусусан, пахтакорнинг қўллари қадоқ бўлиб йил бўйи пешона тери тўкиб дунёга келтирган маҳсулотларини қинғир йўллар билан талон-торож қилиш, камомадларга йўл қўйиш, товарларни ноқонуний айирбошлаш, ҳужжатларни сохталаштириш, маҳсулотларни фирма ва "олибсотар тадбиркор"ларга пинҳона манфаатлар эвазига бериш, маҳаллий ҳокимиятларнинг тазйиқи остида ҳар хил ташкилотларга ҳомийлик сифатида акциядорларнинг маблағларини ўтказиб юбориш ҳолатлари фош этилганди. Фермерлар ва хўжаликлар етиштирган пахтаси эвазига олиши лозим бўлган ёғ, шелуха ва кунжара маҳсулотларини ўз вақтида бермай, ҳар хил "ўйин"лар қилганларга, ёғ-мой корхоналари қошида очилган "савдо уйлари"даги қинғирликларга муносиб баҳо берилганди. Текширишлар якунлари юқори идораларда муҳокама этилиб, инсоф ва диёнат кўчасидан юрмаган айрим корхона раҳбарлари вазифасидан бўшатилганди. Улар қонуний жазога тортилганди.

Бундай таъсирчан чоралар кўрилгани халқ манфаатига, аниқроқ айтар бўлсак деҳқон ризқига хиёнат қилганлар жазоланиши муқаррар эканидан далолат бўлди.Натижада корхоналарда тартиб-интизом кучайтирилди. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир корхоналар раҳбарларининг энг биринчи галдаги вазифаси деб қараш муҳити вужудга келди. Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини, назорат органларининг қонуний талабларини бажариш учун масъулият ҳисси кучайди.

Янги йил арафасида Фарғона вилояти раҳбарлари билан ўзаро мулоқотда "Фарғонаёғмой" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида эътиборга муносиб ижобий ишлар амалга оширилаётгани хусусида эшитдик.

Бундай корхоналарда ҳалоллик, виждон амрига қулоқ тутиш қўним топар бўлса, деҳқоннинг косаси тезроқ оқаради, унинг елкасига офтоб тегади. Уруғни ер бағридан ундириб ғўза ҳолатига келтиришу ундан пахта етиштириш машаққатларини бир кўз ўнгингиздан ўтказинг-а! Демак, деҳқоннинг ризқи муқаддас.

Корхонадамиз. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Алижон Латиповга янги технологияларни жорий этиш, хом ашёлардан оқилона фойдаланиш, ички истеъмол бозорини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш ва уларнинг



сифатини ошириш, инсон омилига эътибор, якунланган "Қарияларни қадрлаш йили"да кексаларга кўрсатилган ғамхўрлик хусусида сўрадик. Мақола тайёрлаш муддаомиз борлигини баён этдик.

-Ниятларимиз улуғ, - дейди бошқарув раиси. – Янги технология асосида маҳсулотлар сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш, ишчи ва хизматчилар меҳнат шароити, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича бир қатор ишлар қилинди. 2002 йилда пальмитин ва салат ёғи ишлаб чиқариш цехида 4,2 килограмм ҳажмдаги полиэтилен идишларга ёғ қадоқлаш линияси ишга туширилди. Сифати ва шаклишамойили жиҳатидан харидорсуяр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Тайёрлов цехидан чиқаётган шелухани пневмопровод орқали ўтказиб шелуха таркибига ўтиб кетаётган чигит мағзини ушлаб қолиш линияси ўрнатилди. Ишлаб чиқарилаётган ёғ миқдорини кўпайтиришга эришилди.

-Гидрогенизация цехида ишлатилган катализаторни қайта ишлаб яна ишлаб чиқаришга бериш мақсадида "Қайнатиш чани" янгиси билан алмаштирилди. Экстракция цехида атмосферага чиқиб кетаётган бензин буғини ушлаб қолиб, бензинни иқтисод қилиш учун қўшимча конденсатор ўрнатилди. Корхонада ишлаётганларни катта бир оилага қиёслайман, - деб сўзини давом эттиради Алижон ака.

"Ўзбекистон Республикаси ички истеъмол бозорини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш юзасидан тадбирлар" дастурини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун жорий йилнинг ўн бир ойида корхонада 12 минг 142 тонна оқланган ёғ, 2 минг 418 тонна "Ўзбекистон ёғи", 182 тонна салат ёғи, 1253 тонна қадоқланган ёғ, 5 минг 554 тонна хўжалик совуни, 1022 тонна атир совун ишлаб чиқарилди. Ундан ташқари ҳиссадорлик жамиятида 10 минг 28 тонна саломас, 670 тонна глицерин тайёрланди. Агар солиштирадиган бўлсак, бу миқдорлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ортган. Янги йилда атир совун хиллари кўпайтирилади.

Корхонадаги хайрли ишлар билан бизни ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси раиси Озода Камолова таништирди. Опанинг юз-кўзидан меҳр ёғилиб турибдики, у худди одамларга яхшилик қилиш, саховат улашиш

**ТАРАҚҚИЁТ**

учун дунёга келгандек. Шундай муниса, ибо ва эҳтиромли аёллари кўплиги билан Фарғонанинг номи улуғ. Озода опанинг ҳар бир каломи меҳнаткашлар манфаатини, ишчи-хизматчилар қадр-қимматини баланд тутишидан далолат бериб турибди.

Шу чоғда беихтиёр кўз-ўнгимда бир сурат намоён бўлди. Устозим Мақсуд Қориев Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубов билан бирга тушган тарихий суратини эсдалик учун берганди. Сурат ортида шундай битик бор: "Дунёда яхши одамлар жуда кўп...". Ҳа, адиб тилга олган яхши одамларнинг бири шу аёл бўлса керак...

Опа бизни бир бошдан корхонадаги ишчи-хизматчиларга яратилган қулайликлар билан таништирди. Айниқса, юзлаб ўринли кенг ва қулай ошхонага кирсангиз, "ишчилар шунақа ажойиб ошхонада овқатланишадими?", деб ҳайратланасиз.

-Албатта, ҳамма қулайликлар оддий ишчи-хизматчилар учун. Ҳиссадорлар ҳар куни жамият ҳисобидан бепул тушлик қилишади. Ўн бир ойда шу мақсад учун 60 миллион сўм маблағ сарфланди. Айниқса, аёлларга жуда муносиб эътибор берилаётир. Уларнинг меҳнатлари қадрланаётир. Аёлга мурувват қўлини чўзган раҳбарлар асло кам бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти айрим оилаларни шошириб қўйди. Аёл боши билан оила тебратишни уддалаётганларга тасанно. Аёл – она-да, болам, дейди, оилам дейди. Умрининг энг ширин онларини уларга ҳадя этади...

Байрамларда ҳар бир ишчига йигирма шишадан пахта ёғи, ўн донадан атир совун, яна ўн донадан хўжалик совуни, бир килограммдан гўшт жамият ҳисобидан бериш анъанага айланган.

Жорий йилнинг ўн бир ойида корхонада ишлаган, кам таъминланган қарияларга 247,8 минг сўм моддий ёрдам тариқасида, байрам муносабатлари билан корхона қарияларига 3 миллион 216 минг сўмлик ёғ-мой ва совун маҳсулотлари берилди. Қарияларга дам олиш уйларига ва сиҳатгоҳларга йўлланма олиш учун 629 минг сўм, кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлар пенсияга кузатилаётганда совға-салом билан бирга ойлик маошининг уч ярим бараварига миқдорда мукофотлаш учун 589 минг сўм, 500 нафар нафақахўрларнинг Ҳайит байрами муносабати билан рағбатлантириш учун 1 миллион 413 минг сўм маблағ сарфланди. Ибратли томони шундаки, ёши саксондан ошган пенсионерларнинг ҳар бирини пенсия пулига 10 фоиз, урушда қатнашган нуронийларнинг пенсиясига эса 20 фоиз қўшимча пул ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан берилаётир.

Фарғона шаҳрида жойлашган Саховат уйини таъмирлаш учун шу кунгача 3 миллион 500 минг сўм маблағ хайрия қилинди. Бундай корхонани саховат гулшанига қиёслагимиз келди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ишчи-хизматчилар фарзандларига Мустақиллик байрами куни хатна тўйлари ўтказиб бериш анъанага айланган.

Корхона "Маънавият ва маърифат" хонаси миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этишда вилоятда ўзига хос марказ вазифасини ўтаётир. Эзгу ғояларни ишчи-хизматчилар тафаккурларида шаклланиши учун зиёлилар ва олимлар иштирокида меҳнат қилиш, кўнгилли дам олиш, маънавий-маърифий билимларни тарғибот қилиш йўлга қўйилган. Ушбу йўналишда тўпланган тажриба вилоят ҳокимлиги, вилоят маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан вилоят ва шаҳар саноат, транспорт, қурилиш ва коммуникация, корхоналарининг биринчи раҳбарлари, маънавият масалалари бўйича мутасаддилар учун "Эзгу ғоя билан – келажак сари!" мавзуида услубий семинар ўтказилди. Улар "Маънавият ва маърифат" хонаси фаолияти, иш юритиш ҳужжатлари ва ўтказилган мафкуравий тадбирлардан олинган видеолавҳалар билан танишдилар. Корхона ҳудудидаги ҳамда цехлардаги тасвирий кўргазма воситаларини кўздан кечирдилар. Ҳиссадорлик жамиятида мустақил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ва миллий истиқлол ғоясини ишчи-хизматчилар онги ва қалбларига сингдиришда амалда қўлланаётган тадбирларнинг аҳамияти тўғрисида тўпланган тажриба асосида йўриқнома тайёрланганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ҳисобчиларнинг берган маълумотига кўра корхонада ўртача ойлик 48 минг сўмни ташкил этади. Ўтган йил натижаларига кўра ҳиссадорларга 81 миллион 120 минг сўм дивиденд тўланди. Ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлик учун ишчи-хизматчиларга 105 миллион 873 минг сўм мукофот пули тарқатилди. Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки Фарғона бўлими ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатаётир.

Хуллас, ҳиссадорлик жамиятидаги хайрия ва одамларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида қилаётган ишларини ёзаверсак, саҳифаларга жой бўлади. Шу ўринда ўзларининг фидокорона меҳнатлари, одамийлик хислатлари, интизоми ва ишлаб чиқаришга мутахассисларча ёндашуви жиҳатидан ўрнак олса арзийдиган экстракция цехи аппаратчиси Ҳамидулло Расулов, чигит хўжалиги юкловчиси Зайниддин Назиров, пальмитин цехи навбатчи устаси Алла Аблаева, совун цехи ишчиси Нурмат Рўзматов, катта уста Мая Снокова, бош муҳандис Жалолиддин Холиқов, бош механик Шуҳрат Болтабоев, таҳлилнома бошлиғи Зулхумор Тўхтамишеваларнинг номларини тилга олишни лозим топдик.

Биз "Фарғонаёғмой" ҳиссадорлик жамияти фаолиятига бир назар ташладик, холос. Жамият раҳбарларининг бажармоқни ният қилиб кўнгилларига туккан ниятлари – режалари ҳақида ёзсак яна бир достон бўлади. Мақола ниҳоясида жамият раиси Алижон Латипов табригини етказиб қўяйлик. У республикамизнинг барча аҳолисини, хусусан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни ривожлантириш йўлида беқиёс меҳнатлари эвазига ердан зар ундираётган бободеҳқонларни жамоаси номидан Янги йил билан самимий қутлади. Биз ҳам бу тилакларга ҳамоҳангмиз.

Юртимизнинг тинчлиги барқарор, бободеҳқонларимизнинг топганлари баракотли бўлаверсин, маҳаллалар ободлашиб фаровонлик нафаси уфураверсин.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" махсус мухбири.**

**СУРАТДА: Ҳиссадорлик жамияти раиси А. Латипов ва Миллий банкнинг Фарғона вилояти бўлими бошқарувчиси О. Қорабоев.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## КЎРФАЗДА АМЕРИКА ҲАРБИЙЛАРИ

**_"Associated Press" агентлигининг хабар беришича, Ироққа нисбатан бошланиши эҳтимоли бўлган урушда АҚШ Саудия Арабистонининг ҳаво ҳудудларидан ва авиабазаларидан фойдаланиши мумкин._**



Бунга расмий Ар-Риёд розилик берди. Шунингдек, америкаликларга "Шаҳзода Султон" ҳарбий ҳаво кучлари базасида жойлашган бошқарув марказидан туриб ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб туришга рухсат ҳам берилди. Аввалроқ эса Ар-Риёд Вашингтоннинг ўз ҳудудидан фойдаланишига розилик бермаётган эди.

Айни вақтда АҚШ ва Буюк Британия ўзларининг ўнлаб ҳарбий самолётларини Форс кўрфазининг Қатар, Қувайт, Уммон каби давлатларига жойлаштираётган бўлсалар, расмий Анқара билан ҳам шу хусусда музокаралар олиб бормоқда.

## ХАВФСИЗЛИК КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛМАГАН

**_Россия президентининг Чеченистондаги вакили Виктор Казанцев террор хуружи нишонига айланган Грозний шаҳридаги маъмурият биносининг хавфсизлигини таъминлаш талаб даражасида бўлмаганлигини айтди._**



Маълумотларга кўра, рус ҳарбийлари кийимида бўлган террорчилар ихтиёридаги портловчи моддалар жойлаштирилган 2 та юк машинаси ҳеч қийинчиликсиз маъмурият ҳудуди кираверишидаги блок-пост ёнига етиб борган. Машиналар бинодан 35-40 метр узоқликда тўхташган чоғида, икки ўртада отишма юз берган ва натижада иккита кучли портлаш содир этилиб, камида 55 киши ҳалок бўлган ҳамда 120 дан ошиқ одам жароҳатланган. "Новости" ахборот маҳкамасининг билдиришича, бу пайтда бино ичида 200 га яқин киши бўлган. Эслатиб ўтамиз, 27 декабр куни Грозний шаҳридаги маҳаллий маъмурият биноси олдида "Камаз" ва "УАЗ" автомобиллари портлатилган эди.

## ПРЕЗИДЕНТЛИКДАН СЎНГ, СЎРОҚ КУТМОҚДА

**_Сербия президенти Милан Милутинович яқин кунларда истеъфога чиқади. Ҳарбий жиноятлар билан шуғулланувчи халқаро Гаага трибунали унинг ҳибсга олинишини сўраб Сербия ҳукуматига ҳозирга қадар бир неча бор мурожаат қилган бўлса-да, Милутиновичнинг президентлик ваколати бунга имкон бермаётган эди._**



Бош айбловчи Карл дел Понте Милан Милутиновични Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич билан биргаликда инсониятга қарши жиноят қилишда айбламоқда. Агар Милутинович Гаага трибуналига топширилса, 1990 йилларда Косоводаги албан аҳолисига нисбатан амалга оширилган зўравонликлар учун жавоб бериши керак бўлади.

## ВАШИНГТОН: ҲАМКОРЛИКНИ ТЎХТАТИШ КЕРАК

**_Америка ҳукумати Шимолий Корея ўзининг ядро қуроли дастурини давом эттиришни тўхтатмаса, бу ҳол уни иқтисодий инқирозга олиб келишини айтмоқда._**



Оқ уй маъмурияти БМТ ва Пхеньянга қўшни бўлган давлатларни Шимолий Кореяни иқтисодий узиб қўйишга чақирди. Журналистлар билан бўлган матбуот анжуманида Оқ уй вакили АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Россияни Шимолий Корея билан иқтисодий ҳамкорликни тўхтатишга ҳамда БМТни Пхеньянга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллашга чақираётганлигини маълум қилди.

**"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.**

# ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ ОМИЛКОРЛАРИ

**_Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ўқув-тажриба хўжалиги жойлашган._**

Бугунги кунда Ҳасан Ибрагимов раҳбарлик қилаётган хўжалик ихтиёридаги мавжуд 1595 гектар экин майдонида асосан пахта, ғалла ва шоли етиштирилади. 2002 деҳқончилик йили хўжалик меҳнаткашлари учун анча самарали якунланди. 842 гектар ерга экилган пахтадан 2215 тонна, 621 гектар майдондаги ғалладан 1800 тонна, 95 гектардаги шолидан эса 250 тонна ҳосил олиниб, белгиланган режалар ошиғи билан бажарилди.

- Айниқса ғаллачиликда ошиғимиз олчи бўлди, -дейди хўжалик раҳбари, - гектаридан 46 центнердан ҳосил олиб, режани 117 фоизга адо этдик, шоличиликда ҳам ўртача ҳосилдорлик 50,1 центнерни ташкил этди.

**ЖАРАЁН**

Хўжалик 2001 йилдан бошлаб пахтачилик ва ғаллачиликда сифатли уруғ етказиб беришга ихтисослаштирилди. Ҳозирда ҳар йили ғалланинг "Половчанка", пахтанинг "Наманган-77" каби ҳосилдор уруғлик навлари етиштирилмоқда.

Раҳбар хўжалик аъзолари ҳақида гапираркан, Анвар Жалолов, Фарҳод Ботиров, Иқбол Ҳотамов, Учқун Нурматов, Равшан Пардаев, Абдурашид Исмоилов каби пудратчиларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтди.

Хўжаликда меҳнат қилаётган деҳқонлар учун етарлича шарт-шароитлар муҳайё қилинган. 2002 йилда пудратчиларга хўжалик хирмонидан 147 тонна шоли тарқатилди.

Хўжаликнинг моддий-техника базаси ҳам йилдан-йилга бойиб бораётир. Охирги икки йил ичида хўжалик аъзолари учун янада қулайликлар яратиш мақсадида ТТЗ-80-11, "Кейс", МХ-135, ТН-4А ҳайдов тракторлари сотиб олинди. Шунингдек, яқинда хўжалик таркибида марказий таъмирлаш устахонаси бунёд этилди, анчадан буён фойдаланилмай ётган чойхона таъмирланиб хўжаликнинг маъмурий биносига айлантирилди.

- Институт талабаларининг амалиёт ўташлари учун зарур имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган - дея суҳбатни давом эттиради Ҳасан ака, - пахта мавсумида ҳосилнинг 35 фоизини талабалар теришади. Шу боис улар учун биз қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз. Институтимиз раҳбари Фаррух Оқназаров хўжалигимизда тез-тез бўлиб, зарур бўлганда ёрдамини аямайди.

Хўжалик раҳбари билан суҳбатимиз айнан байрам арафасида кечаётгани учун ундан халқимизга янги йил тилакларини билдиришни сўрадик.

- Янги 2003 йил ҳар биримизнинг хонадонимизга олам-олам шодлик олиб кирсин, бахт-саодат, шод-хуррамлик ҳар бир юртдошимизга ҳамроҳ бўлсин, - дея тилак билдирди у киши.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА,**
**Рустам ЖАББОРОВ.**

# МАҲАЛЛАЛАР ТАШАББУСИ

**_2003 йилнинг Президентимиз томонидан "Обод маҳалла" йили деб эълон қилиниши муносабати билан Андижон шаҳридаги еттита маҳалла фаоллари ўз турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича икки ойлик тадбир ўтказиш ташаббуси билан чиқишди._**

Ташаббускорларнинг фикрига кўра, ушбу тадбирни ўтказиш учун ота-боболаримизнинг кўп асрлик удумларини тиклаш зарур. Яъни тадбиркорлар, тижоратчилар ва ўзига тўқ одамлар гузарлар, маиший хизмат иншоотлари, савдо расталари, шунингдек, мактаб ва касалхоналар қуриш учун ўз даромадларидан маблағ ажратиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари ташаббус эгалари андижонликларни эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама кўмаклашишга, ёш авлодни эътиборсиз қолдирмасликка чақирди. Шу йўл билан маҳалланинг ҳар бир аъзоси унинг ободонлашиши ва гуллаб-яшнашига ўз улушини қўшади.

**"Туркистон-пресс"**




## «ОҚ ОЛТИН»

ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 29 ДЕКАБРДАГИ 57-ТИРАЖИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**1-тур – 84, 57, 76, 31, 72, 75, 69 500 000 сўмлик пул ютуғи сони: 1 чипта рақами: 127468**
**2-тур – 41, 29, 13, 62, 66, 64, 49, 55, 30, 39, 15, 32, 46 1 000 000 сўмлик пул ютуғи сони: 1 чипта рақами: 158927**
**3-тур – 20, 7, 79, 59, 3, 25, 17, 38, 26, 33, 51, 28, 40 2 000 000 сўмлик пул ютуғи сони: 1 чипта рақами: 70153**
**4-тур – 34, 2, 19, 14, 88, 54, 86, 36, 5, 4, 44 3 000 000 сўмлик пул ютуғи сони: 1 чипта рақами: 119334**
**5-тур – 53, 89, 60, 18, 73, 58, 78, 68, 43 5 000 000 сўмлик пул ютуғи. сони: 2 чипта рақамлари: 19006, 75893**
**6-тур – 27, 10, 87, 23, 16, 10 000 000 сўмлик пул ютуғи. сони: 1 чипта рақами: 8648**
**7-тур – 83, 42, 12, 8, 52 100 000 сўмлик пул ютуғи ҳар бирига. сони: 1 чипта рақами: 49481**
**8-тур – 6, 100 000 сўмлик пул ютуғи ҳар бирига. сони: 2 чипта рақамлари: 7807, 88149**
**9-тур – 47 100 000 сўмлик пул ютуғи ҳар бирига. сони: 1 чипта рақами: 79691**
**10-тур – 56, 63 100 000 сўмлик пул ютуғи ҳар бирига. сони: 1 чипта рақами: 164488**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 11-тур – 35 | | 20-тур –70 | |
| сони: 2 | 5000 сўм | сони: 182 | 700 сўм |
| 12-тур – 65, 9 | | 21-тур – 50 | |
| сони: 6 | 3000 сўм | сони: 319 | 650 сўм |
| 13-тур – 1 | | 22-тур – 74 | |
| сони: 13 | 2000 сўм | сони:308 | 600 сўм |
| 14-тур – 24 | | 23-тур – 37 | |
| сони: 13 | 1000 сўм | сони: 584 | 550 сўм |
| 15-тур –90 | | 24-тур – 77 | |
| сони: 24 | 950 сўм | сони: 828 | 500 сўм |
| 16-тур – 67 | | 25-тур – 81 | |
| сони: 32 | 900 сўм | сони: 1256 | 450 сўм |
| 17-тур – 71 | | 26-тур – 85 | |
| сони: 60 | 850 сўм | сони: 1476 | 400 сўм |
| 18-тур – 22 | | 27-тур – 80 | |
| сони: 99 | 800 сўм | сони: 3233 | 350 сўм |
| 19-тур –11 | | 28-тур – 48 | |
| сони: 119 | 750 сўм | сони: 4994 | 300 сўм |

**Халтадан чиқмаган шарлар: 21, 45, 61, 82**

# "ЎЗПАХТАСАНОА

# УЮШМАСИ,

унинг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари,
пахта тозалаш корхоналари
жамоалари
кўнгли пахтасидек оқ деҳқонларни,
ирригатор ва мелиораторларни,
қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи
тармоқларнинг ишчи-хизматчиларини,
мамлакатимизнинг барча
фуқароларини

## ЯНГИ - 2003 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИЛАР.

Президентимиз томонидан "Обод
маҳалла йили" деб аталган 2003
йилда барча юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик, Ватан равнақи
йўлидаги эзгу ишларида ривож
тилаймиз!







## ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ДОВРУҒИ ҲАМИША САРБАЛАНД БЎЛСИН!

worldprints.com